

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 1 май, № 84 (5504) Сешанба

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Қорақалпоғистон Республикаси

*“Қорақалпоқэлектртармоқлари” очиқ акциядорлик жамиятида 7 миллиард 375,9 миллион сўмлик модернизация тадбирлари амалга оширилди.*

### Электр таъминоти яхшиланади

Пировардида республика худуди аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда қўшимча имкониятлар юзага келди.

— Хусусан, Кегайли туманидаги “Жузимбоғ” қишлоқ фуқаролар йиғинига 4 километрлик янги электр линияси тортилди, — дейди туман электр таъминоти корхонаси вакили А. Оспанов. — Ушбу 122 миллион 767 минг сўмлик лойиҳа рўёби натижасида қишлоқ аҳолиси хонадонларида чироқ ўчмайдиган бўлди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Наманган

*Янгиқўрғон туманидаги “Ота Самарқанд” фермер хўжалигида янги ишлаб чиқариш тармоғи — ипак газламаси тўқишга мўлжалланган цех ишга туширилди.*

### Харидоргир адраслар

Ровут қишлоғида фаолият бошлаган ушбу кичик корхонада айни пайтда 9 киши меҳнат қилаяпти. Улар қўлидан чиқаётган миллий мато — адраснинг “Бодом гули”, “Қуёш”, “Камалак”, “Юлдуз” сингари нусхалари қисқа фурсатда ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди.

— Маҳалламиз ёшларини ҳам бу ишга жалб этаяпмиз, — дейди тадбиркор Боситхон Отахонов. — Эндиликда миллий маҳсулотларимизни экспорт қилишни мўлжалляпмиз.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тошкент вилояти

*Вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган ёшлар орасида тадбиркорликка иштиёқмандлари оз эмас.*

### «Менинг бизнес ғоям»

Биргина ўтган йилнинг ўзида уларнинг 257 нафари тижорат банкларининг 2 миллиард 725 миллион сўмлик молиявий кўмаги билан ўз бизнесини йўлга қўйиш ва шаклантиришга муваффақ бўлди.

Интилувчан ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган “Менинг бизнес ғоям” кўрик-танловининг вилоят босқичи эса бир гуруҳ ташаббускорларни саралаб берди. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда бир қатор манфаатдор идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 20 нафар коллеж битирувчиси тадбиркорликка оид лойиҳа ва ишланмаларини намойиш этди. Якунда тўрт нафар ғолибга танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқи берилган бўлса, яна тўрт иштирокчи тижорат банкларининг имтиёзли кредитини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритишди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қашқадарё

*Яккабоғ туманидаги “Йўлдошев Сардор Дилмуродович” фермер хўжалигида ўтган йили 10 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилиб, Сербиядан олма, олхўри, нок, ўрик каби мевали дарахт кўчатлари келтириб ўтқазилганди. Ҳайратланарлиси, улардан ўша йилнинг ўзида дастлабки ҳосил олинди. Бу йил эса боғдаги ниҳоллар қийғос гуллади.*

### Кўчатлар ҳосилга кирди

— Янги экилган мевали дарахтлар бошқа навларга қараганда 4 баравар кўп ҳосил беради, — дейди хўжалик раиси Дилмурод Йўлдошев. — Қолаверса, сарфланган харажатларни 3 йилда тўлиқ қоплайди. Яна бир муҳим жиҳати, меваларини узоқ вақтгача сифатли сақлаш мумкин. Оддий боғларда 1 гектар майдонга 420 та ниҳол экилса, бу кўрсаткич пакана ва ярим пакана интенсив боғларда 1200-2200 тагача етади. Натижада ер майдонидан ҳам унумли фойдаланиш, боғларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ва катта миқдорда обиҳаётни тежаш имкони яратилади.

Вилоятда жорий йилда 1682 гектар боғ, 1418 гектар токзор бунёд этилмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ҳар қандай соҳанинг ривожи илғор технология ва истиқболли илмий ишланмаларнинг қўлланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш орқали қувватларни янгилаш, шу билан бирга, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияларнинг фойдаланилмаётган имкониятларни кенглигини кўрсатмоқда.* *Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.*

## Инновациялар — ривожланиш гарови

Ушбу ҳужжат талаблари асосида ҳар йили ўтказилаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси эса юртимиз илмий салоҳияти юқорилигини, шу билан бирга, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияларнинг фойдаланилмаётган имкониятлари кенглигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, 2008 — 2011 йиллар давомида шундай ярмаркаларда республикамиз тадқиқотчиларининг 2000 дан ортиқ ишланма, технология ва ғоялари намойиш этилди. Уларни амалиётга жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқарувчилар ва илмий ташкилотлар ўртасида умумий қиймати 51 миллиард сўмлик 1584 та шартнома ва келишув баённомалари имзоланди. Мазкур шартномаларнинг бажарилиши натижасида корхоналарда 242,2 миллиард сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 15 миллион АҚШ доллари миқдорида импорт ўрни қопланганн, 16,4 миллиард сўмлик энергия ва бошқа ресурслар тежалгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, ярмаркалар-да таклиф этилган рақобатбардош катализаторларни ишлаб чиқариш технологияси “Ўзкимёсаноат” ва “Ўзбекнефтгаз” компаниялари тизимидаги корхоналарда қўлланилиши туфайли 1400 тоннадан зиёд аммиак ва мотор мойлари тайёрланиб, 10,4 миллион АҚШ долларлик валютани иқтисод қилишга эришилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида эса мисни пирометаллургик усулда ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси ўрнатилиши натижасида шлаклар таркибидаги қолдиқни 7 фоиздан 5 фоизгача камайтириш ҳисобига бир йилда қўшимча 1116 тонна маҳсулот тайёрланди.

Маълумки, кам госсиполли пахта шроти ишлаб чиқариш технологияси чигитдан тоза ёғ олиш ҳажмини 5 фоизга кўпайтиради. Айни пайтда тизимдаги 12 та корхонада ундан самарали фойдаланилиб, 2010 — 2011 йиллар мобайнида 260 минг тонна, яъни 35,2 миллиард сўмлик шундай маҳсулот ишлаб чиқарилгани эътиборга лойиқ.

Шунингдек, мутахассисларимизнинг биотехнология асосида экологик тоза ем тайёрлаш рецептураси ҳам истиқболли лойиҳалардан бири эканлигини кўрсатди: балиқларнинг ўсиши 2,5 баравар ошди. Ҳозир ушбу технологияни республикамиздаги барча балиқчилик хўжаликларида қўллаш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «Мустаҳкам оила йили» мавзуига бағишланди

*Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида мамлакатимизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

### Дунё нигоҳи

Тадбирда Германиянинг сиёсий, эксперт-таҳлил, ишбилармон ҳамда маданий-гуманитар доиралари, ушбу мамлакат оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, “Log Training” Германия — Ўзбекистон қўшма таълим лойиҳаси мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Олий бизнес мактаби делегацияси аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатия ваколатхонаси раҳбари тадбир иштирокчилари эътиборини республикамизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга қаратгани баробарида, Ўзбекистонда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижроси доирасида оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам атрофлича тўхталди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг тарихи ва замонавий тараққиёти тўғрисидаги маълумотлар ҳам давра суҳбати қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

**Берлин Халқаро иқтисодиёт академияси ижрочи директори Х.-Й. Кнаупе** Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юксак баҳолар экан, мамлакатимиз ҳукумати таълим ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратаётганини қайд этди. У, шунингдек, жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”

(Давоми 2-бетда).

## Эътибор ва эъзоз оғушида

*Мўйдинжон ота Олтмишев Шаҳрихон туманининг Номозгоҳ маҳалласида умргузаронлик қилади. Шу йил кўкламда тўқсон икки баҳорни қаршилади. Бугун беш ўғил, икки қиз, ўнлаб набираю чеваралари унинг атрофида парвона. Маҳалладошлари кунора ҳол сўрашни унутишмайди. Айниқса, отахоннинг мароқли суҳбатини тинглашга иштиёқмандлар кўп. Қолаверса, умр йўлдоши Караматхон ая билан бирга кечирган ҳаёт йўлининг ўзи бир ибрат.*



**СУРАТДА:** Мўйдинжон ота Олтмишев набиралари даврасида.
**Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

### Эҳтиром

— Умримнинг кейинги йигирма йили асрларга татигулик давр бўлди, — дейди Мўйдинжон ота. — Мустақиллик берган неъматларни, фарзандларимиз камолини, орзу-ҳавасини кўрдик. Юртбошимизга раҳмат. Бугун давлатимизнинг, эл-юртнинг ардоғидамиз. Давраларнинг тўри бизники. Осойишталигимиз бардавом бўлсин. Тинч-осуда юртда яшаётганимиз — катта бахт. Яқинда Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонини ўқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Бу биз, уруш фахрийларини нафақат моддий рағбатлантириш, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Бу — эртанинг ташвиши, элнинг қайғуси билан яшайдиган инсонларга берилган эътироф. Мўйдинжон ота ҳам ҳамиша одамларга эзгулик улашиб, яхшилик истаб яшайди, бунёдкорлик ишларига доимо бош бўлади. Мақсад эса хайрли — одамлар оғирини енгил, мушкулини осон қилиш, турмушини янада яшнатиш.

Кейинги йилларда биргина Шаҳрихон туманида 12 та касб-ҳунар коллежи, академик лицей, саньат мактаби учун муҳташам бинолар барпо этилгани, “Бунёдкор саноат ривожи”, “Элегант шоес Анд”, “Шаҳрихон милк” масъулияти чекланган жамиятлари, “Мило Слава-Андтекс” сингари корхоналар ишга туширилгани, Ўрта Шаҳрихон, Холдовонбек қишлоқларига олиб борувчи йўллар кенгайтирилгани, жойларда намунавий лойиҳалар асосида турархойлар қад ростлаганини кўриб, Мўйдинжон ота ич-ичидан қувонади.

(Давоми 2-бетда).

### Ҳамкорлик

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Хотин-қизлар қўмитаси, Молия секторини ривожлантириш агентлиги ҳамда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари фонди билан биргаликда “Молия соҳасидаги билимларни ошириш — Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ривожлантиришнинг асосий омили” мавзуида халқаро конференция ташкил этилди.*

## Молиявий саводхонликни ошириш

### тараққиётнинг муҳим омилидир

Унда пойтахтимиз ва туман ҳокимликлари, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вакиллари, Германия ривожланиш банки (KfW), Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, айни пайтда мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оила институтини мустаҳкамлаш, мазкур масалага жамоатчилик эътиборини янада кучайтириш ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, тажрибадан маълумки, бизнеснинг муваффақиятли юритишда фақат ишбилармонлик кўникмалари кифоя эмас. Бунинг учун тадбиркор юқори даражада молиявий-иқтисодий билимга эга бўлиши лозим. Айниқса, ишбилармонлар режалаштириш, жамғарма, қарздорлик сингари молиявий хизматларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларига улар ўз даромадларини ҳимоя қилиш ва кўпайтириш имконини беради. Шу маънода, юртимизда банк-молия тизимини такомиллаштириш, банк ва мижоз алоқаларини эркинлаштириш борасида муайян ютуқларга эришилаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

## Тадбиркор манфаати — қонун ҳимоясида

*Мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.*

### Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистонда прокуратура органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан изчил назорат олиб бормоқда. Бу ҳақда Бош прокуратура томонидан ОАВ вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

Мазкур тадбирда қайд этилганидек, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини чеклаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунгача тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида турли бюрократик тўсиқларни қисқартириш учун бир қатор ишлар амалга оширилганки бундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

### Хушхабар

*Юртимизда навқирон авлод вакилларига яратиб берилган шарт-шароит туфайли улар дунё фан ва спорт ареналарида ўз истеъдоду салоҳиятларини намоён этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб келмоқда.*

## Ўқувчи ёшларимизнинг ёрқин муваффақияти

Ана шу эзгу аньана яқинда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ниҳоясига етган 46-халқаро Менделеев олимпиадасида давом эттирилди. Дунёнинг 20 мамлакатидан 120 нафар ўқувчи иштирок этган мазкур нуфузли тадбирда қатнашган 9 нафар вакилларимиздан 5 нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

(Давоми 2-бетда).

# «Мустаҳкам оила йили» мавзуига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мавзуидаги халқаро конференцияга алоҳида тўхталиб, мазкур анжуманда иштирок этгани ўзи учун катта шараф эканини таъкидлади.

Давра суҳбати чоғида бўлиб ўтган мулоқотларда Германиядаги қатор таниқли компаниялар раҳбарлари сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолашар экан, узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликнинг янги йўналишлари хусусидаги ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда сўзга чиққан **Берлин — Бранденбург иқтисодий консуллар бирлашмаси президенти И. Беетц** ўзи фаолият юритаётган ташкилот ҳам Германиянинг бошқа компаниялари қаторида Ўзбекистон билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик қилиб келаётганини айтди.

У Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган жиддий ислоҳотларга кўп маротаба гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади. И. Беетцнинг айтишича, "Ўзбекистон улкан иқтисодий ва инсон ресурсларига эга мамлакат бўлиб, чуқур ўйланган ислоҳотлар унинг тез ривожланаётган замонавий давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашига имкон берди".

Тадбир якунида замонавий Ўзбекистон ҳақида атрофлича тасаввур уйғотадиган видеофильм ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

# Тадбиркор манфаати — қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, биргина ўтган йили тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини чеклашга, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни шакллантиришга хизмат қиладиган 20 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Матбуот анжуманида прокуратура органлари учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш устувор вазифалардан бири эканлиги айтиб ўтилди. Чунончи, 2011 йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида прокуратура органлари томонидан бу соҳада аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 851 тақдимнома киритилган, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш хусусида 1144 та протест келтирилган, 1661 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилган. Айни пайтда 1027 нафар шахс интизомий, 326 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, ушбу даврда прокуратура органларининг "Ишонч телефонлари"га тадбиркорлик субъектларидан 2800 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушиб, улардан 2265 таси қаноатлантирилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани кўрсатиб ўтилди.

Анжуманда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада яхшилаш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# Ўқувчи ёшларимизнинг ёрқин муваффақияти



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

...Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Ҳамидулло Тўхтаев барча шартларни аъло даражада бажариб, олтин медаль соҳиби бўлди. Унинг лицейдоши Суннатилло Облоёров, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиддинов номли академик лицей ўқувчиси Равшан Олмосов эса кумуш медаллари билан тақдирланди.

Шунингдек, Азиза Холиқова (Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиддинов номли академик лицей) ва Нодиржон Баҳодиров (Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей) ҳам интеллектуал мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, кучли учликдан жой олди ва терма жамоамиз ғазнасига иккита бронза медалини тақдим этди.

— 46-халқаро Менделеев олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бахти насиб этди, — дейди ғолиб Ҳ. Тўхтаев. — Интилишларимиз бесамар кетмаганидан нафақат ўзимиз, балки ота-оналаримиз, устозларимиз ҳам жуда хурсанд.

Шу ўринда олимпиадага аъло даражада тайёргарлик кўришимиз учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда барча шарт-шароитни яратиб берганини таъкидлашни истардим. Айни чоғда тажрибали устоз-мураббийлар раҳбарлигида Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институтида аниқ режа асосида ўз билимларимизни янада мустаҳкамладик.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда таълим тизимини ривожлантириш йўлида қилинаётган ғамхўрлик шарофати ўлароқ ўтган қисқа даврда ўқувчи ўғил-қизларимиз Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Россия, Сингапур, Таиланд, Испания, Шотландия ва бошқа мамлакатларда математика, кимё, биология, физика, информатика каби фанлар бўйича ўтказилган нуфузли олимпиадалар, ижодий беллашувларда иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этиб келмоқдалар.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Инновациялар — ривожланиш гарови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилги ярмаркага эса вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган 900 та ишланмадан 500 га яқини танлов асосида тавсия этилди. Уларнинг 130 таси аввалги ярмаркаларда ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотган лойиҳалар бўлса, 154 таси саноат, 55 таси қишлоқ хўжалиги, 85 таси тиббиёт, 56 таси ахборот технологиялари ҳамда 16 таси фан ва таълим соҳасига таааллуқли бўлиб, тадбирда илк бор намойиш қилинади.

Айни чоғда ярмаркага ёш олимларнинг 75 та, "Келажак овози" республика танлови ғолибларининг 15 та ишланмаси ҳам тақдим этилиши мўлжалланмоқда.

Тадбир доирасида инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, соҳада ноанъанавий энергетика ва илмий-техника ахборотининг роли йўналишлари бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилаётгани эса унинг ишчан руҳда ўтишидан далолат беради.

Кўриниб турибдики, пойтахтимизда жорий йилнинг 3 — 5 май кунлари бешинчи бор ташкил этиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш тизимида интеграцияни ривожлантиришга, олимлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга замин яратади.

**Январжон ХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг бўлим бошлиғи.**

# Эътибор ва эъзоз оғушида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кўп юртларда бўлганман, — дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Таваккалжон ота Топиболдиев. — Лекин ҳеч қаерда кексалар, ногиронлар, якка-ёлғизлар бизнинг мамлакатимиздагидек эъзоз топмаган, қадр-қиммати улуғланмаган. Ҳозир вилоятимизда 192 минг 379 нафар нуроний отахон ва онахон умргузаронлик қилмоқда. Шундан 436 нафари уруш қатнашчиси. 8780 нафари эса меҳнат фахрийлари. Юз билан юзлашганлар 153 нафарни ташкил этади. Уларнинг ҳар бирига ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Байрамлар, саналар муносабати билан совғалар улашилаяпти.

Албатта, умр ўткинчи, инсон ғанимат. Бу дунёда биздан қоладигани эса яхшилик, хайрли амалларимиздир. Мамлакатимизда умргузаронлик қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ҳам бугун ҳар қанча эъзозласак, шунча кам. Зеро, эъзоз, эҳтиром кексалар умрини баракали қилиб, ажиб шукуҳлар бахш этади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 1 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1943,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3027,50 |
| 1 Дания кронаси | 331,18 |
| 1 БАА дирҳами | 506,16 |
| 1 АҚШ доллари | 1859,07 |
| 1 Миср фунти | 307,54 |
| 1 Исландия кронаси | 14,82 |
| 1 Канада доллари | 1896,43 |
| 1 Хитой юани | 294,66 |
| 1 Россия рубли | 63,31 |
| 1 Украина гривнаси | 232,68 |
| 1 Малайзия ринггити | 613,15 |
| 1 Польша злотийси | 591,59 |
| 1 СДР | 2880,46 |
| 1 Туркия лираси | 1056,11 |
| 1 Швейцария франки | 2050,60 |
| 1 евро | 2452,37 |
| 10 Жанубий Корея вони | 16,43 |
| 10 Япония иенаси | 231,89 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Интилиш

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда йўлсозлик тизими тубдан такомиллашди. Нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки чекка ва олис манзилларда ҳам жаҳон андозаларига мос, кўркам ва шинам йўллар, мустаҳкам кўприклар бунёд этилди.*

*Мамлакатимизнинг Жанубий дарвозаси — Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами салмоқли. Чунончи, воҳадаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари 2843 километрни ташкил қилади.*



# Истиқлолнинг равон йўллари



Шундан 251 километр халқаро, 1235 километр масофадаги давлат аҳамиятидаги ҳамда 1200 километрдан зиёд маҳаллий йўлларнинг ён-атрофи ободонлаштирилаяпти.

Маълум тажрибага эга бўлган Шеробод туман "Йўлхўжаликпудраттаъмирлашфойдаланиш" корхонаси ҳам айни чоғда эзгу ва хайрли ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ўтган йиллар мобайнида корхона жамоаси фаолиятини муттасил кенгайтириб келди. Ҳозир бу ерда тош-шағал саралаш ва иккита асфальт ишлаб чиқариш заводи тўла қувват билан ишлаяпти. Корхонага бундан 3 йил аввал Германиянинг соатига 80 тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналари ўрнатилган эди. Орадан кўп ўтмай, "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси томонидан ажратилган 1 миллион 600 минг АҚШ доллари қийматидаги маблағ эвазига Жанубий Кореядан илғор технологиялар сотиб олинди. Эндиликда жамоа ҳудуддаги турдош корхоналарни ҳам зарур қурилиш ашёлари билан узлуксиз таъминламоқда. Жумладан, 2011 йилнинг ўзида 45000 тонна сифатли асфальт тайёрланиб, йўлсозлик билан шуғулланувчи ўнлаб корхоналарга етказиб берилди.

Корхона тасарруфида 70 та техника воситаси мавжуд. Шунингдек, лизинг асосида харид қилинган 5 та серунум машинадан тоғли ҳудудларда текис ва равон йўллар қуриш, кўприк ҳамда сув ўтказиш иншоотларини бунёд этишда кенг фойдаланилмоқда. Улар воситасида кейинги 5 йилда "Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз" автомобиль йўлининг 54 километри реконструкция қилинди. 27 километр масофадаги қисми капитал таъмирдан чиқарилди. Ҳозир жамоа 45 километр умумий фойдаланиладиган йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштиришда фаол иштирок этаётир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқлари, тадбиркорлар, хорижий инвестор ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларининг ҳимоя қилиниши, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

## Анжуман

Тадбирда таъкидланганидек, вазирлик томонидан фуқаролар, тадбиркорлар, хорижий инвестор ва инвестициялар иштирокидаги корхоналар мурожаатларини белгиланган тартибда ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2011 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида келиб тушган мурожаатлардан 3,5 мингдан ортиғи қаноатлантирилиб, ушбу жараёнлар билан боғлиқ ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш мақсадида, 008 рақамли "Ишонч телефонлари" фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур қўнғироқлар орқали келиб тушган мурожаатларнинг қарийб 1500 таси ўз ижобий ечимини топган. Бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 9,5 мингдан ортиқ тақдимномалар киритилган. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари ва тадбиркорлар фаолияти эркинлигига дахл қилувчи 1875 та ноқонуний қарор ва буйруқ бекор қилинди.

Анжуманда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд идоралари билан ҳамкорлик масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# Молиявий саводхонликни ошириш

## тараққиётнинг муҳим омилидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Германиялик мутахассислар республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тижорат банкларининг аҳоли билан ишлаш тажрибасига юқори баҳо бераркан, яқинда қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни соҳа ривожида муҳим қадамлардан бири бўлганлигини қайд этдилар.

Конференция иштирокчилари, шунингдек, Шарқий Германия минтақаси ривожида оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти, оилаларга суғурта хизматлари кўрсатишда "ОСА" суғурта компаниясининг ўзига хос тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

Шу билан бирга, анжуманда истиқболли лойиҳаларни юзага чиқариш, тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш ҳақида ҳам фикр юритилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳамда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар фонди ўртасида мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича 10 ойлик ўқув курсларини ташкил этиш юзасидан келишув имзоланди. Ушбу лойиҳа аҳолининг банк-молия тизимига бўлган ишончини янада ошириш, уларнинг кредит ташкилотларидаги пул жамғармаларини кўпайтиришга кўмаклашиш ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ҳаёт учун!»

*Пойтахтимизда «Ҳаёт учун!» хайрия форум марафони доирасидаги яна бир тадбир — кўкрак бези саратони хасталигига чалинган аёлларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

# Эзгуликни кўзлаган ташаббус

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ҳаёт учун!" миллий уюшмаси, Сьюзен Комен номидаги кўкрак бези саратонига қарши кураш фонди ва "Аёллар кенгаши" республика жамоатчилик бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, онкология соҳаси мутахассислари ва руҳшунослар қатнашди.

Давра суҳбатида ушбу оғир хасталикнинг олдини олиш ва ундан азият чекаётган беморларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш каби вазифалар, шунингдек, соҳадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, "Ҳаёт учун!" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси ходимларининг фикрича, мазкур хасталикнинг олдини олишга қаратилган бепул тиббий текширувлар билан биргаликда саратон хасталигига чалинган аёлларга кейинчалик ҳам тиббий-психологик ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши лозим. Зеро, хасталикдан шифо топган аёлларнинг тез фурсат ичида соғлом ҳаёт тарзига қайтиши, севган касбида ишлаши учун уларга алоҳида эътибор, ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Тадбирда ана шундай ҳаётий зарур вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш юзасидан шифокорлар, руҳшунослар ва бошқа мутахассислар ўз таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан сўнг давра суҳбати иштирокчилари Сьюзен Комен номидаги жамғарманинг кўкрак бези саратони билан хасталанган аёлларга руҳий кўмак бериш ва беморларни реабилитация қилиш йўналишидаги услуб ҳамда тажрибалари билан яқиндан танишишди.

Давра суҳбатида, шунингдек, кўкрак бези саратони хасталигини даволашнинг муҳим мезонлари, жумладан, мазкур касаллик билан боғлиқ оғир асоратлар келиб чиқишининг олдини олиш, ташхис ва муолажа услубларини янада такомиллаштириш мавзуида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Майдонда мағрур алплар

*Чирчиқ шаҳрида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича бешинчи "Умумармия ўйинлари"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

## Умумармия ўйинлари

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, ҳар икки йилда бир марта ташкиллаштириладиган "Умумармия ўйинлари" Ватан ҳимоясига бел боғлаган йигитларнинг қалбида жасорат, матонат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг байрамона безатилган стадионида тадбир ташкилотчилари, иштирокчиларидан ташқари, спортчиларнинг оила аъзолари ва кўплаб мухлислар йиғилди.

Давлатимиз мадҳияси янгради. Мамлакат байроғи ва "Умумармия ўйинлари"нинг рамзий байроғи кўтарилди. Очилиш маросимида сўз олган Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор В. Маҳмудов иштирокчиларни ушбу катта спорт байрами билан қутлаб, уларга омад тилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқни маънавий-руҳий соғломлаштириш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни, ишончли, юксак тайёргарликка эга бўлган Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу мақсадлар йўлида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда жисмоний маҳоратни ошириб бориш учун барча зарур шароитларга эга бўлган спорт мажмуалари, стадионлар, спорт заллари ҳамда майдончалари бунёд этилиб, Ватан ҳимоячилари ихтиёрига берилмоқда. Табиийки, спорт ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур беллашувларда 13 та жамоа иштирок этмоқда. Қатнашчилар орасида кўплаб республика миқёсдаги турнирлар ғолиблари бор.

Мусобақалар 8 майга қадар давом этади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Соҳилдаги сирли ҳодиса

***Перунинг шимоли-шарқий соҳилларидан сақоқушлар жасадлари кўплаб топилган.***

Бу ҳақда “BBC News” хабар тарқатди. Манбага қараганда, улар сони 500 тани ташкил этади. Ҳозирча ушбу ғайритабиий ҳодисанинг сабаблари номаълум. Мутахассисларнинг фикрича, қушлар бундан бир неча кун олдин нобуд бўлган. Ҳукумат мутасаддилари маҳаллий аҳолини ушбу воқеадан саросимага тушмасликка чақирган. Бу борада текширув ўтказилиб, унинг хулосаси маълум қилиниши билдирилган.

Таажжубли жиҳати, олдинроқ ушбу мамлакатнинг Ламбаек соҳилида 700 та дельфин жасади топилганди. Ўшанда уларнинг оммавий қирилишига номаълум вирус сабаб бўлган эди.

## Кучли шамол оқибати

***АҚШнинг Сент-Луис (Миссури штати) шаҳридаги “Kilroy”s” барида ўрнатилган айвон қулаб тушиши оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмган, юз нафардан зиёд одам эса тан жароҳати олган.***



“Busch Stadium” спорт аренасида ўтадиган бейсбол учрашувини томоша қилиш учун бу ерга тумонат одам тўпланган эди.

Шаҳар ўт ўчириш департаменти томонидан маълум қилинишича, жабрланганларнинг ўн етти нафари касалхонага олиб кетилган. Юз нафарга яқинига эса воқеа жойида тиббий ёрдам кўрсатилган.

Унинг қулашига кучли шамол сабаб бўлгани айтилмоқда. Фожиа юз берган вақтда бар яқинидаги

## Кўнгилсиз воқеа

***Ҳиндистонда йирик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди.***

Мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатида иккита автобуснинг тўқнашиб кетиши оқибатида 20 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган, 30 нафари тан жароҳати олган.

“Синьхуа” ахборот агентлиги хабарига кўра, тўқнашув юз бергач, ҳар икки автобус ҳам йўл четидаги жарликка қулаб тушган. Бахтсиз ҳодисанинг сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ.

Штат маъмурияти ҳалок бўлган йўловчиларнинг яқинларига 1000, тан жароҳати олганларга эса 500 АҚШ доллари миқдорида товон пули тўланишини маълум қилган.

## Ором олиш қоидаси

***Кун давомида кайфиятингиз аъло, ишингиз самарали бўлиши учун тўйиб ухлаб олишингиз керак. Ором олишнинг ўзига хос тартиб-қоидасига амал қилсангиз, бу янада яхши самара бериши мумкин экан.***



Мутахассисларнинг фикрича, ошқозонида муаммоси бор кишилар ёнбошлаб ухлагани маъқул. Аммо ҳар доим шу тахлитда ором олсангиз, юзингизда ажинлар кўпайиб кетиши мумкин. Ҳамиша чалқанча ётган одамларда эса астма ва юрак касалликлари келиб чиқиш эҳтимоли юқори. Лекин вақтинча шундай ором олиш танадаги баъзи оғриқларни бартараф этаркан. Бели безовта қиладиган кишилар оёқларини бошларидан баландроқ қўйиб ётишса, бу муаммодан, бир оз бўлса-да, қутулишар экан.

## Фойдали маслаҳат

***Пивони ортиқча истеъмол қилиш юрак деворларининг кенгайиши ва митохондрийлар камайишига олиб келар экан.***

Бунга унинг таркибига кўпиклатиш учун қўшиладиган кобальт моддаси сабаб бўлади. Оқибатда юракка қон келиши секинлашади. Табиийки, бу турли кўринишдаги қон томир хасталикларини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, мунтазам пивохўрлик ошқозон ва йўғон ичакнинг шамоллашига ҳам олиб келади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

### Анъана

*Нон — инсонга инъом этилган энг бебаҳо, энг азиз неъмат. Бешикдаги боланинг ёстиғи остига нон қистирилиши, икки ёшнинг бошини қовуштираётганда нон синдирилиши, узоқ сафар олдидан ҳамроҳ бўлсин, дея нон тугиб олиниши, ҳарбийга кетаётган ўғлонларимизга нон тишлатилиши анъанага айланганлиги боиси ҳам шундан аслида.*

# Ризқ-рўзимиз тимсоли

**Б**у мўътабар неъмат ҳақида сўз кетганда, довруғи етти иқлимга машҳур Самарқанд нонлари дарров ёдга тушади. Самарқанд нони шу заминнинг тарихий меъморий обидалари, ҳунармандчилиги, илм-маърифатию маданияти сингари қадимийдир. Шу боис уни кўҳна Самарқанд тимсоли, десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Буни қарангки, Самарқанд нонларида ажиб бир коинот сирлари ҳам бор экан. Бу хусусда Улуғбек расадхонасининг илмий ходими Икромиддин Сирожиддинов шундай дейди:

*— Ҳунармандлар ижоди, хусусан, халқ амалий санъати намуналарида бўлгани каби Самарқанд нонларида ҳам Қуёш, Ой ҳамда юлдузлар тасвири акс этган. Негаки, қадимда аждодларимиз нонни Қуёшга, тандирни эса ҳомилага қиёслашган. Тандир совуқ бўлса, нонни совуқмижоз она қорнидан тушиш хавфи бор боладек авайлашган, яъни тандир обдан қизимагунча нон ёпишмаган. Осмонни эса “катта тандир” — “он” ёки “меҳр” деб аташган. Худди шунингдек, ҳомилани “кичик тандир” — “ин” ёки “об” деб номлашган. Яна айтишларича, осмон — катта тандирнинг ҳарорати иссиқ келган йилда ўғил болалар кўп туғилар, мева-чева мўл бўлар, чўлларда майса, далада ғалла камаяр экан. Айрим йиллар осмон ҳарорати иссиқ бўлса-да, мижози совуқ келаркан. Шу боис баъзан мева кўп ҳосил бергани билан мазаси у қадар ширин бўлмас экан.*

Дарвоқе, нонга нима учун седана сепилишига ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Албатта, бу ичаклар фаолияти яхшиланиши, таом осон ҳазм бўлиши, ноннинг сифати ошиб, харидори кўпайиши учунлигини яхши биламиз. Аммо шуниси ҳам борки, қадимда тандир муқаддас онага, нон халоскорга ўхшатилгани сабаб нон Қуёшни, устидаги седана эса Қуёш юзидаги доғларни англатган. Ота-боболаримиз ушбу доғлар кўпайган йилларда Ер юзининг мақбул ҳудудларида қудратли, куч ва салоҳиятда тенгсиз баҳодирлар дунёга келади, деб ҳисоблашган. Самарқанд нони ҳамма жойда бир хил пишмаганидай, халоскор ҳам жаҳоннинг ҳамма ерида туғилавермаган. Ушбу фалсафий қарашга амал қилганлар нон юзига седана ва кунжут сепиб, босқину зулмлар, мустабид тузумлардан халос қилувчи, ақлли, тадбиркор, солиҳ фарзандлар беришини Яратгандан тилашган.

Қадимда аждодларимиз Қуёшдаги доғларни ўрганиб, Ер юзида содир бўлажак муҳим воқеаҳодисаларни, буюк салоҳиятли, донишманд, ижодкор шахслар таваллуд топишини олдиндан башорат қилишган. Шу йўл билан, ҳатто, беморларни ҳам даволашган.

Биласиз, Қуёшдаги доғларни махсус асбоб-ускуналарсиз кўриб бўлмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аждодларимиз Галилей ва Зардўштлардан ҳам аввалроқ Қуёш жисмларини кузатувчи мукаммал асбобларга эга бўлишган.



Яна ҳам аниқроғи, Самарқандда фалакиёт илми чуқур ўрганилган ва мазкур тадқиқотлар шу заминда пиширилган нонларда ҳам акс этган.

Бугунги кунда новвойлар ноннинг хилма-хил турини тайёрлаб, дастурхонимизга тортиқ қилишмоқда. Қип-қизил, бўрсилдоқ, қуёшдек жилваланиб иштаҳа очадиган бу неъматни маҳаллий уста новвойлар ўзгача меҳр ва қунт билан тандирга ёпишади.

— Новвой касби бизга аждодлардан мерос, — дейди Салтанат опа Давронова. — Ўзим сулоламизнинг тўртинчи авлод вакилиман. Шу боис нон ёпиш сиру асрорларини пухта биламан. Биз, новвойлар ҳам худди рассом, наққош, ганчкор, ҳайкалтарош каби илҳомланиб, қалб қўримизни бериб ижод қиламиз. Самарқанд нонини тайёрлашда хамир қилишдан тортиб, нон пишгунига қадар ниҳоятда нозик, машаққатли жараён кечади. Айниқса, Галаосиё, Пўлоди, Ёзувли, Туркман, Шапати номли нонлар, шунингдек, ёғли, жиззали, ширмой турлари новвойдан кўп меҳнат талаб қилади. Чунки бу нонларнинг хамири қаттиқ қорилади. Шундай бўлгач, улар узоқ вақт туриб қолса ҳам моғорламайди, сифати ва тўйимлилигини йўқотмайди.

Бу ердаги нонларнинг мазалилиги, тўйимлилиги сири билан кўпчилик қизиқади. Лекин ҳеч ким Самарқанддан бошқа бирор жойда бундай нон тайёрлашнинг уддасидан чиқмаган. Айтишларича, шу замин тупроғидан тандир қилиб, барча масаллиқ — сув, ўтин, ҳатто новвойгача шу ердан олиб кетилиб, бошқа жойда нон ёпилганда ҳам у Самарқанд нонига ўхшамаган экан. Сабаби, бу ернинг ўзига хос ҳавоси ноннинг ана шундай бетакрор таъм ва кўринишга эга бўлишини таъминлар экан.

Хабарингиз бор, бир неча йиллардан буён Самарқандда “Нонлар танлови” кўргазма-ярмаркаси ўтказилади. Бу танловда каттаю кичик новвойлар хилма-хил маҳсулотлари билан иштирок этишади. Кўргазмада намойиш этиладиган обинон, чапчак нон, тўй нони, лавлаги, кўкат, сут, гўшт, сариёғ, ҳатто тарвуз қўшиладиган нонлар, патирлар, бир пайтлар ёпилган ва ҳозирги кунга келиб унутилаёзган “Зоғора нон”, “Қозонпатир”, “Қотирманон” сингари неъматлар кўпчиликка манзур бўлаётир. Кўргазма-ярмаркага ташриф буюриб, миллий анъаналаримиз намуналари билан яқиндан танишган германиялик сайёҳ Иреке Митироп шундай деган эди:

*— Самарқанд новвойлари тайёрлаган нонлар бошқача. Бундай ажойиб неъматни ҳали ҳеч қаерда тотиб кўрмаганман. Халқингизнинг миллий қадриятлар, узоқ йиллик анъаналар, хусусан, нон пишириш санъатидек бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни сайқал топтириб келаётгани ҳавасимни келтирди. Самарқанд нонларининг турлари, шифобахш хусусиятлари ҳақида кўпгина қизиқ маълумотлар олдим. Насиб этса, юртингиздаги тарихий гўшалар ҳақида ёзажак китобимда улардан фойдаланаман...*

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** самарқандлик новвойлар фаолиятидан лавҳа.

**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган сурат.**

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

***Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1/2 даҳаси, Шамсутдинова кўчасидаги 9 та блокдан иборат савдо маркази.

***Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 10-1109/18375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 28-уйда жойлашган, қурилиш майдони 1064 кв.м.,2 қаватли ва ертўлали, умумий майдони 1725 кв.м. бўлган, 2006 йилда қурилган бино.

***Бошланғич баҳоси — 800 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 4 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 1 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

696А/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**ООО «SHANXAY PLAST GROUP»**

*ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

SPG PIPILENE

производит

**полиэтиленовые трубы**

Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали:
**тройники, переходники, отводы, адаптеры.**



*НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.*

**Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.**

*Гарантия качества! Звоните!*

г. Ташкент, ул. Шайхантохурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс (8-371) 244-83-00,
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

143R/40

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

*қуйидагиларни маълум қилади!*

***Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан тақдим этилиб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 31 мартдаги 63 (5483)-сони ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 2 апрелдаги 65 (12126)-сонида чоп этилган хабарномалар билан «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Мирзо Улуғбек тумани, Олой (собиқ А. Толстой) кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий ер майдони 592 кв.м., фойдаланиш майдони 555 кв.м. бўлган 4 қаватли маъмурий бинонинг биринчи қавати аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Асос: Мирзо Улуғбек тумани СИБнинг 2012 йил 26 апрелдаги 20678/17-сонли хати.***

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz*

697А/1441

*Лицензия: RR-0001.*



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР,** диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

**UZTELECOM**

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

***Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!***

Телефон рақамларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида **шошилинч ва маълумотлар хизматларига чиқиш алоқасига янги тартиб киритилди.**

Аввалги тартиб 01, 02, 03, 04, ..., 0хх 2012 йил 1 июнгача амал қилади.

| | | |
|---|---|---|
| «01» | (ёнғин хавфсизлиги хизмати) | — «101» |
| «02» | (милиция) | — «102» |
| «03» | (тез тиббий ёрдам) | — «103» |
| «04» | (газ хизмати) | — «104» |
| «050» | (қутқарув хизмати) | — «1050» |
| «0хх» | (бошқа хизматлар) | — «10хх» |

**Маълумот олиш учун телефон: 200-31-31.**

621R/277

**Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, «Ийк-Ота» ҚФЙ ҳудудида жойлашган**

**«ASAKA EKO PLAST» корхонаси**

ишлаб чиқариш ва омборхона учун мўлжалланган

**биноларни**

**ижарага беради.**

*Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

**Мурожаат учун телефонлар: (+998 95) 177-01-99, (+998 71) 239-88-58. Факс: (+99871) 239-88-57.**

641R/489

**РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР**

**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**

**ШУНИНГДЕК:**

Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича

**КАФЕЛЬ**

(девор ва пол учун)

**САНТЕХНИКА**

(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМРАМОР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**

**Тел./Факс: 267-35-73**

Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru

УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН



***Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.***

**IP-камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения**

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Удаленный просмотр и управление камерами через Интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

344R/

**238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раҳбарияти Абдуносир Қодировга волидаи муҳтарамаси

**Раъно ҚОДИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Қизиқарли баҳслар, қувончли натижалар

*27 — 29 апрель кунлари пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуасида дзюдо бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.*

## Осиё чемпионати

Унда қитъамизнинг 26 давлатидан келган 185 нафар спортчи медаллар ҳамда шу йил Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмалар тақдирини ҳал этувчи рейтинг очколари учун кураш олиб бордилар.

Таъкидлаш керакки, мазкур қитъа биринчилиги юртимиз полвонлари олимпиада йўлланмалари олиш учун сўнгги рейтинг очколарини берувчи мусобақа эди. Шу боисдан ҳам турнирнинг ҳар бир баҳси ўта муросасиз ва кескин курашларга бой ўтди.

Уч кун давом этган чемпионатнинг дастлабки куни хотин-қизлар -63, -70, -78, +78, эркаклар эса -60, -66, -73 килограмм вазн тоифаларида гиламга чиқдилар. Ушбу баҳсларда вазни 73 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасида ҳамюртимиз Наврўз Жўрақобилов Ясир Аяд(Саудия Арабистони)ни, Вей Лиу (Хитой) ва Али Муҳаммад(Эрон)ни мағлубиятга учратиб, бронза медалини қўлга киритди.

Мусобақанинг иккинчи куни эркаклар -81, -90, -100, +100, хотин-қизлар эса -48, -52, -57 кг. вазн тоифаларида совринли ўринлар учун курашни давом эттирдилар. Эътиборли жиҳати, шу куни мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган дзюдочилардан уч нафари медаллар билан тақдирланди. Жумладан, вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида Дилшод Чориев барча рақиблари устидан соф ғалабага эришиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Финалга қадар у қатарлик Авад Наеми, Жанубий Корея вакили Сунг Пил Баек ва қирғизистонлик Чингиз Мамедовни чиройли усул ишлатиб, мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда унга қарши кураш олиб борган тожикистонлик Парвиз Собиров ҳам ҳамюртимиз маҳорати олдида ожиз қолди. Бу сафар ҳам соф ғалабага эришган Дилшод Осиё чемпиони бўлди.

-100 кг. дзюдочилар беллашувида Рамзиддин Саидов ҳам олтин медаль билан тақдирланди. Турнир давомида спортчимиз Кванг Сун Йу (Жанубий Корея), Дайсуке




Кабаяши (Япония) ва Жавоб Маҳжуоб(Эрон)дан устун келиб, ўз вазн тоифасида қитъанинг энг кучли спортчиси эканлигини намоён этди. Вазни -81 кг. бўлган спортчилар орасида эса ёш полвонимиз Яҳё Имомов бронза медали билан тақдирланди.

Шунингдек, мусобақада Мирзоҳид Фармонов, Одил Тўландибоев, Улуғбек Азизов рейтинг очколарига эга бўлдилар. Осиё чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Римма Бердиқулова, Гулноза Матниёзова, Елена Могилина кабилар, гарчи совриндорлар сафидан жой олмаган бўлсалар-да, ўзлари учун муҳим бўлган рейтинг балларини қўлга киритдилар.

Шу ўринда айтиб ўтамиз, Халқаро дзюдо федерацияси ушбу спорт тури бўйича Олимпиадада иштирок этувчи спортчиларнинг якуний рўйхатини 2 май куни эълон қилади.

Мусобақанинг учинчи куни жамоавий баҳслар бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини Тимур Худойқулов, Мирзоҳид Фармонов, Мирали Шарипов, Яҳё Имомов, Дилшод Чориев, Болтабой Болтаев ва Одил Тўландибоев ҳимоя қилди. Қизиқарли курашлар остида ўтган беллашувлар якунида вакилларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи поғонани банд этиб, 2013 йилнинг кузида Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлдилар. Чунки мусобақа қоидасига кўра, 1 — 4-ўринларни қўлга киритган юрт вакилларига ушбу мусобақага йўлланма берилиши назарда тутилган.

— Ўзбекистоннинг халқаро мусобақаларни юксак савияда ташкил этиш борасидаги тажрибаси эътиборга молик, — дейди Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) президенти Мариус Визер. — Бунга мазкур Осиё чемпионатини кузатиш жараёнида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Шу боис кейинги Олимпиада мавсумида Гран-при турнирларидан бирини Тошкентда ўтказмоқчимиз.

Маълумот ўрнида келтириб ўтамиз, Лондон Олимпиадаси бошланишига қадар терма жамоамиз вакиллари 5 — 9 май кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Гран-при ва 26 — 27 майда Москвада ташкил этиладиган “Улкан Тож” туркумига кирувчи мусобақаларда иштирок этадилар. Терма жамоа мураббийларининг сўзларига кўра, ушбу мусобақаларда Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритган дзюдочиларимиз ўз имкониятларини синовдан ўтказадилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хушхабар

*Хитойда ўтказилаётган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича жаҳон олимпия саралаш турнирида ҳамюртларимиз Дилшод Мансуров ва Элмурод Тошмуродов Олимпиада йўлланмаси соҳиби бўлди.*

### Яна иккита йўлланма

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан хабар беришларича, маҳоратли эркин курашчи Д. Мансуров 55 кг. вазн тоифасида ярим финалга қадар етиб келган. Бу босқичда эса у Жанубий Корея вакили Ким Жин Чолни мағлубиятга учратиб, ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси иштирокчилари сафидан жой олган.

Э. Тошмуродов эса юнон-рум кураши бўйича (55 кг.) бронза медалига сазовор бўлди. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, мазкур турнирда ўз вазн тоифасида кучли учликка кирган спортчиларга Олимпиада йўлланмалари тақдим этилади.

Шу кунларда мамлакатимиз спортчилари академик эшкак эшиш ва оғир атлетика бўйича лицензиялар берувчи мусобақаларда ҳам ўз имкониятларини синаб кўрмоқдалар.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**

## ОБ-ҲАВО

**(1 май)**

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +13 +18 | +23 +28 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +12 +17 | +25 +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +13 +18 | +25 +30 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +13 +18 | +25 +30 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +12 +17 | +23 +28 |
| Тошкент шаҳрида | +13 +15 | +25 +27 |


**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**

*Унда шошилиб таваккал қилманг.*

*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MChJ

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

*Лицензия: RR-0001.*

563R/1441

**Унутманг!**

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

*Мурожаат қилинг ва барака топинг!*



NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**миллий валютадаги янги муддатли омонатларни амалга киритганини маълум қилади.**

*«Жозибали»*

- Сақлаш муддати — 4 ой.
- Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 7 июлгача амалга оширилади.

*«Сердаромад»*

- Сақлаш муддати омонат очилиш вақтида, мижознинг хоҳишига кўра — 5, 8 ой ёки 1 йил.
- Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 1 июлгача амалга оширилади.

*«Хазина»*

- Сақлаш муддати — 5 ой.
- Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўланади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 20 августгача амалга оширилади.

*Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!*

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

695A/878

www.nbu.com


**• Реклама ва эълонлар •**


**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-371) 155-27-20 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-595) 199-19-31 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-32 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к. | (8-370) 762-11-21 (соат 8.00 — 17.00) (8-593) 370-38-89 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61 (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-34-17, 552-21-66 (8-373) 552-24-71, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9 | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-29-92 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-09 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-42 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-365) 223-38-37, 224-55-42 (8-365) 223-65-23, 224-46-42 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 |
| **Кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 |
| **Жаслик кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси | (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) (8-376) 227-41-14, 242-11-25, 242-11-44 |
| **16-линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41, 221-06-86 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, 505-05-14 |
| **15-линия техник цехи,** Ғузор ш., Ғузор к., 23-уй | (8-375) 552-11-67 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 505-05-14 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 (8-590) 730-56-41 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-365) 572-14-75 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-436) 593-09-35 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 603-12-42 |

UZTELECOM

129R/85



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5